

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
*Тошкент давлат шарқшунослик
институтини катта ўқитувчиси*

«МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХ» ЎЗБЕК ТИЛИДА

Мустақиллик йилларида Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига бағишланган ноёб мўътабар манбаларни ўрганиш ва нашр этишга кенг йўл очилди. Нисбатан қисқа давр ичида тарихчи ва шарқшунос олим-ларнинг заҳматли меҳнати туфайли ноёб қўлёзмалар халқимизга етиб борди. Бугунги китобхонлар Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи", Ибн Халдуннинг "Таржимаи ҳоли" (парчалар), Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"лари Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" (икки жилдда) асарларини ўзбек тилида ўқимокдалар. Улар бевосита араб (таржимонлар Убайдулла Уватов, Акрам Ҳабибуллаев), форс (таржимонлар Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али ал Бухорий, Юнусхон Ҳакимжонов, Асомиддин Ўринбоев, Омонулла Бўриев) тилларидан таржима қилинди. Гиёсиддин Алининг "Рўзномайе ғазавоте Ҳиндистон" (таржимон ва нашрга тайёрловчи А.А.Семёнов), Фасих Аҳмад ал Ҳавофийнинг "Мужмали Фасихий" (таржимон ва нашрга тайёрловчи Дилором Юсупова) асарлари рус тилида нашр этилди. Шунингдек, Амир Темурга замондош бўлган овруполик Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалик"лари (испан тилидан Улуғбек Жўраев таржимаси), Султония архиепископи Иоаннинг хотиралари (француз тилидан Баҳодир Эрматовтаржимаси), Иоганн Шильтбергернинг хотиралари (рус тилида) эълон қилинган. Соҳибқирон қаламига мансуб "Темур тузуклари" (форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси) қайта-қайта нашр этилмоқда. Шунингдек, халқ китоби бўлмиш "Темурнома" катта ададларда босилиб чикди. Ўнлаб йирик илмий асарлар, рисоалар чоп этилиб, қатор диссертациялар ҳимоя қилинди. Хуллас, бугунги кунда Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган Шарқ ва Ғарб манбаларининг катта қисмидан китобхон халқимиз баҳраманд бўлди,

деб фахр билан айта оламиз. Юқори савияда таржима қилиниб нашр этилган мазкур ноёб асарлар маънавий мулкимизга айланди. Бу эзгу ишлар Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш лозим.

Яна шу нарсани ғурур ва ифтихор билан айтиш керакки, бутун жаҳонда Амир Темур фаолиятини ёритувчи илмий ва бадиий асарларнинг умумий сони беш юздан ортиб кетади. Соҳибқиронга бағишлаб ёзилган сахна асарлари, жумладан инглиз драматурги Христофор Марлонинг "Соҳибқирон Амир Темур" драмаси бир неча асрлардан бери Европа театрларида қайта-қайта намоиш этилиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлиб келмокда. Ўтган асрнинг бошларида буюк озарбайжон драматурги Ҳусайн Жовид ёзган "Амир Темур" шеърый драмаси туркий халқлар орасида катта шухрат қозонган эди.

Ўзбек бадиий темурномаси саҳифалари ҳам йил сайин мазмундор, ёрқин асарлар билан бойиб бормокда. Таниқли ижодкорлардан Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" ва Муҳаммад Алининг "Буюк салтанат" романи, академик Бўрибой Аҳмедовнинг "Амир Темур" илмий романи ва ўнлаб дostonлар, қиссалар, шеърларни ўзбек ўқувчилари катта завқ билан ўқиб келмокдалар.

Ўтган йили ўзбек темуршунослиги яна бир йирик асар билан бойиди. Анча йиллардан бери қадимий қўлёзмаларни тадқиқ этиб келаётган заҳматкаш олим ва ёзувчи Ғулом Каримий муаррих Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" асарини форс тилидан таржима қилиб, нашр эттирди.

Мазкур асар матни устида узоқ йиллар қунт билан ишлаб, уни ноёб тарихий манбалар билан қиёслаб, синчиклаб ўргангани ва моҳирона таржима қилгани олимнинг ибратли фазилатидир. Синчков китобхонларга маълумки, Ғулом Каримий "Мунтахабут-таворих"нинг катта қисми таржимасини "Жаҳон адабиёти" журналида (2006 йил, 3-4-сонлар) Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али сўзбошиси билан эълон қилган эди. Тадқиқотчи изланишларини давом эттириб, асар ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтди. Маълумки, Шарқ манбаларида бирон-бир

мавзуни батафсил ёритишдан олдин оламнинг яратилиши, Нух пайғамбар ва унинг ўғиллари, жумладан, Ёфас ўғли Туркхон наслидан бошланган ҳукмдорлар шажараси ва кейинги сулолалар тарихини батафсил тасвирлаш анъанаси мавжуд. Бу борада тасаввур равшан бўлиши учун Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" ва Абулғозийнинг "Шажараи турк" асарларини ёдга олиш кифоя. Шарқ муаррихларининг ҳаммаси бу анъанага содиқ қолганлар. Шунинг учун ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг асарларига таянган ҳолда даврий маълумотларни айнан такрорлаш айб саналган эмас, аксинча, табиий ҳол сифатида қабул қилинган. Ғулом Каримий "Мунтахаб ут-таворих" муаллифи ўзигача бўлган давр тарихини ёзишда Рашидиддин Фазлуллоҳ, Ҳамдуллоҳ Қазвиний сингари тарихчилар асарларидан фойдаланганини, ўз замонаси ва яқин ўтмиш воқеаларини эса кўпроқ ўзи билган асарлар асосида ёритганини алоҳида таъкидлайди. "Шу сабабли "Мунтахаб ут-таворихи Муиний"нинг, айниқса, сўнгги қисмларида бошқа муаррихлар асарларида учрамайдиган нодир маълумотлар бисёрдир", - деб ёзади тадқиқотчи.

Ғулом Каримийнинг таржимон ва шарқшунос олим сифатидаги катта меҳнати асарга ёзган "Мунтахаб ут-таворихи Муиний"да Амир Темур даври тарихининг ёритилиши" деб номланган кириш сўзида яққол намоён бўлади. Тадқиқотчи чинакам илм тамойилларига амал қилган ҳолда темурийлар даврига бағишланган деярли барча йирик манбаларга чуқур тасниф беради, уларнинг нодир қўлёзмалари қаерларда сақланаётгани, кимлар томонидан таржима қилиб ўрганилгани ва нашр этилгани, таржима ва тадқиқотнинг илмий савияси ҳақида мукаммал қиёсий маълумотлар кетиради. Ана шу жараёнда мавзу қирраларига синчков олим сифатида ёндашиб, айрим муаммолар, баҳсли масалаларга нисбатан ўз қараши, нуқтаи назарини дадил илгари суради. Масалан, темурийлар даврига доир асарларда "бахшилар", "уйғур бахшилар" деган унвонлар тез-тез учраб туради. Манбаларда Алишер Навоийнинг бобоси саройдаги "уйғур бахши"лардан бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Ҳатто шунини рўқач қилиб, "Навоий уйғур шоири" деб юрганлар ҳам учрайди. "Уйғур бахшилари" иборасини қандай тушуниш керак? Ғулом Каримий сўзбошида

мазкур тушунчага батафсил изоҳ беради. Унинг таъкидла-шича, Амир Темур даврида ҳар бир жанг баёнини бахшилар (битикчи-лар) туркий тилда ёзиб борганлар. Олим ҳарбий атамаларнинг аксарияти туркий бўлиб, жанговар бўйруқлар ҳам шу тилда берилгани, уларни қоғозга аниқ туширишга бу тил катта қулайликлар туғдирганини алоҳида қайд этади. Бундан ташқари, ўрта асрларда уйғур ёзувини биладиган кишилар камайиб кетган эди. Улар махсус эътиборда турган, ҳарбий ва давлат сирлари фақат ана шу бахшилар томонидан уйғур ёзувида битилган ва махфий сақланган. Хуллас, Ғулом Каримий барча темурийлар даврида катта нуфузга эга бўлган "уйғур бахши"лар ҳақида батафсил маълумот бериб, уйғур миллати билан уйғур ёзуви, жумладан, "уйғур бахши"лар тамомила бошқа-бошқа тушунча эканини аниқ далиллаб беради.

Ғулом Каримий мана шу йўналишдаги фикрларини давом эттириб, темурийлар даврида кенг истеъмолда бўлган ва тадқиқотларда кам изоҳ-ланган ёки тушириб қолдирилган бир қанча ҳарбий атамалар маъносини кенг шарҳлашга муваффақ бўлади. Шу ўринда бир-икки мисол келтириб ўтайлик. Манбаларни синчиклаб қиёсий ўрганган олим кўпгина тадқиқотларда баъзи нодир туркий атамалар таржима қилинмасдан ташлаб кетилгани ёки нотўғри изоҳланганини, ҳатто улар "обрўли туркий луғатларда ҳам қайд этилмаган"лигини таъкидлайди. Масалан, яқин пайтларгача "Мунтахаб ут-таворих"нинг муаллифи ҳам номаълум ҳисобланиб, асар темурий шаҳзода Искандар Султонга бағишлангани учун "Искандар аноними" деб аталиб кетган эди. (Асар муаллифи Муиниддин Натанзий эканини биринчи марта машҳур рус шарқшуноси В.В. Бартольд аниқлаган.) Асардан айрим парчалар 1941 йилда нашр этилган "Олтин Ўрда тарихига оид маълумотлар" тўпламининг 2-жилдига киритилган бўлса-да, таржимонлар матннинг кўп жойларини тушириб қолдирганлар. Ғулом Каримий ана шу таржимонларнинг самимий эътирофларини ҳам келтиради: "Матннинг кўп жойлари жуда кам учрайдиган турк ва муғул сўзларигатўлиб кетгани учун маъноси ноаниқлигича қолди. Ана шу сабабга кўра биз "Искандар аноними"нинг Олтин Ўрда тарихига оид баъзи жойларини чоп этишдан воз кечдик". Айни замонда олимнинг ўзи ҳам шундай қийинчиликка дуч келади, аммо эринмай

излангани, ахтаргани учун кўпгина ҳарбий атамалар маъносини тўғри очиб беришга эришади. Жумладан, у манбаларда учрайдиган **"ёсомиший** -лашкарни тартибга солиб сафлаш, такомиший ёки накомиший - чекинаётган душманни қувиб зарба бериш, **сон** - қўшин рўйхати, **булжор** -лашкар йиғилиши учун белгиланган жой ва муддат, **танқол** ёки тунқол- лашкарга белгиланган жойга бориб йиғилиш учун берилган буйруқ" каби атамаларни изоҳлаб, уларга аниқлик киритади.

Олим "Мунтахаб ут-таворих"дан бошқа манбаларда деярли учрамайдиган камёб ҳарбий атамалар изоҳига каттагина ўрин ажратади ва уларни батафсил таҳлил қилади (**булғомиший, истикшоф, кечомиший, бекламиший** ёки **бакламиший, тарқол** ёки **торқол** ва ҳоказо атамалар).

Энди манбаларда **кечомиший** сўзи қандай изоҳланганини кўздан кечирайлик. Олимнинг таъкидлашича, бу сўз Рашидиддин Фазлуллоҳнинг "Жоме ат-таворих" асарида кенг қўлланган, аммо рус тилига турли маъ-ноларда таржима қилинган, баъзи ўринларда эса унинг ўрнига уч нукта қўйиб кетилган экан. Жумладан, олим Березин бу сўзни **"производил перевозку"** деб, Ю.П. Верховский **тун** (кеча) деб тушуниб, **"тунамок"** деб, А.К. Арендс эса **жонбозлик** (усердие) маъносида таржима қилганини айтади ва К.А. Арендстаржимаси муваффақиятли чиққанини таъкидлайди.

Айни замонда олим "Мунтахаб ут-таворих"ни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида "маъноси қийин сўзларга немис олими Герхард Дёрфернинг "Янги форс тилидаги туркий ва луғавий элементлар" номли тўртжилдли тадқиқотидан фойдаланган ҳолда" изоҳ берганини ўта ҳалоллик билан таъкидлайди. Бу эътироф, ўз навбатида, олимнинг камтарлиги ва комиллик белгисидир. Шу нуктада Ғулом Каримий яна бир жид-дий хулосани илгари суради: "Шубҳасиз, бу ғоят қимматли тарихий асар-нинг туркий лексикасини ҳар томонлама тадқиқ қилиш фақат тилшунос-лик фани нуктаи назаридан аҳамиятли бўлиб қолмасдан, балки Амир Темур давридаги ҳарбий санъат, давлатчилик ва иқтисодиёт каби соҳа-ларга оид билимларимизни ҳам бойитишга хизмат қилади", - деб ёзади ва Ватанимиз тарихига доир Шарқ манбаларини

ўрганиш амалий аҳами-ятга эғалигига, келажакда яратиладиган илмий асарларда яна масала-нинг қайси жиҳатлари ёритилиши лозимлигига жиддий урғу беради.

Тадқиқотчи ўнлаб матнларни қиёсий ўрганар экан, баъзи илмий асар-ларда йўл қўйилган хатолар ва чалкашликларни одоб билан айтиб ўтишни ҳам лозим топади. Масалан, у анчагина салмоқли "Темур ва Улуғбек даври тарихи" тадқиқотида: "1937 йилда Низомиддин Шомий асари Ф.Та-уэр томонидан чех тилида чоп этилди" деган маълумот берилиб, ҳаво-лада мазкур нашрнинг француз тилидаги титул варағи ёзуви келтирил-гани"га диққатимизни тортади. Маълум бўлишича, чех олими Низомид-дин Шомий "Зафарнома"сини таржима қилмаган, балки унинг форсча матнини нашр эттирган экан. "Темур ва Улуғбек даври тарихи" тадқиқо-тида титул варағи сифатида француз тилидаги саҳифа тақдим этилгани юқоридаги нашр муаллифлари эса Ф.Тауэр китобини умуман кўрмага-нидан далолат беради. Эътиборсизлик билан йўл қўйилган бундай хатолар дарс-лик ва қўлланмаларга ҳам кўчиб ўтиб, кўпчиликни чалғитиб қўйиши мумкин. Гулом Каримийнинг ўз тадқиқотига мана шундай ўта синчковлик ва катта масъулият билан ёндашгани ва айрим нуқсонларни дадил очиб бергани ёш олимлар учун ҳам яхши сабоқ бўла олади.

"Мунтахаб ут-таворих"ни таржима қилишда олим энг оқилона ва тўғри йўлдан бориб, аввалги муаллифлар батафсил тасвирлаган воқеаларни тушириб қолдиради. Аини замонда, ўқувчига асар ҳақида мукамал та-саввур бериш учун бу бобларнинг номларини сўзбошида тўла келтириб ўтади. Амир Темур даврига оид қисмлар эса Париж ва Лондонда сақла-наётган мўътабар қўлёзмалар асосида француз олими Ж.Обен тайёр-лаган ва 1957 йилда Техронда форс тилида босилиб чиққан нашр асо-сида ўзбек тилига таржима қилинган. Олим сўзбошида алоҳида таъкид-лаб ўтган Техрон нашри мундарижаси қуйидагилардан иборат:

Шабонкора маликлари табақаси (1-9-бетлар);

Хурмуз маликлари табақаси (10-19-бетлар);

Кирмон маликлари табақаси (20-30-бетлар);

Язд маликлари табақаси (31-34-бетлар);

Луристон маликлари табақаси (35-67-бетлар);

Жўжихон маликлари табақаси (68-101-бетлар);

Чигатой уруғи табақаси (102-132-бетлар);

Ҳалокухон табақаси (133-157-бетлар);

Туғотемурийлар табақаси (158-159-бетлар);

Чўпон авлоди табақаси (160-162-бетлар);

Амир ШайхҲасан Бузург авлоди табақаси (163-169-бетлар);

Маҳмудшоҳ Ёнжу авлоди табақаси (170-179-бетлар);

Муҳаммад Музаффар авлоди табақаси (180-196-бетлар);

Мовароуннаҳрда исён кўтарган амирлар табақаси (197-274-бетлар);

Ҳазрат Султон соҳибқирон табақаси (274-408-бетлар);

Амир Темур тарихига оид Лондон нусхасида мавжуд фасллар (409-436-бетлар);

Кўрсаткичлар (437-485-бетлар);

Мазкур мундарижанинг ўзиёқ "Мунтахаб ут-таворих"да бошқа ном-дор муаррихларнинг асарларида учрамайдиган кўпгина қимматли маълумотлар борлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, "Мовароуннаҳрда исён кўтарган амирлар табақаси" (77 бет) ва "Ҳазрат Султон соҳибқирон та-бақаси" (134 бет) ўз салмоғи жиҳатидан ҳам асардаги бошқа боблардан сезиларли даражада фарққилади. Уларда келтирилган воқеалар баёни Мовароуннаҳр тарихи ва Амир Темур фаолияти ҳақидаги қарашлари-мизни ниҳоятда кенгайтиради.

Юқоридатаъкидлаганимиздек, қўлёзма манбаларни синчковлик би-лан қиёслаб ўрганган Ғулом Каримий "Мунтахаб ут-таворих"нинг турли нусхаларида мавжуд фарқларга ҳам жиддий эътибор беради ва уларни илова тарзида ўқувчига етказади. Бу иловалардаги Амир Темур ва те-мурийлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тарих мухлислари учун қимматли маълумотлар беради.

Юқори савияда таржима этилган бу асарнинг фазилатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин, аммо биз сўзни мухтасар қилиб, айрим истак-ларимизни билдириш билан чекланамиз. Таржиманинг баъзи ўринла-рида: "Амир Ҳусайн

бу воқеа тафсилотларидан **хабардор бўлгач**, Мо-вароуннахрдаги вазият қанақалиги унга **маълум бўлди**" (71-бет) син-гари таҳрирталаб жумлалар ҳам учраб қолади. Китобнинг 28-бетида **"қораунас"** этноними келтирилади. 29-бетда бу атама **"қаровнос"**, 73-бетда **"қароғунос"**, 80-бетда **"қароунос"** тарзида ҳам ёзилади. Ғулом Каримий "Чигатой улуси" атамасини изоҳлар экан, "Улус аҳолиси тур-кийлар бўлиб, уларни бошқа туркий халқлардан фарқлаш учун чигатой турклари ёки қисқа қилиб чигатойилар деб аташган", - деб ёзади. Бу изоҳ анча баҳсли. Ҳолбуки, илмий адабиётларда туркийлашган мўғул-лар "чигатойлар" деб изоҳланади (Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-жилд, 636-637-бетлар). 83-бетда "Мулунгғур" атамаси тилга олинган. У ҳозирги Булунғур бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда бу атамага изоҳ берган маъқул эди.

Муаллиф бу истакларимизни самимий тилаклар сифатида қабул қили-шига ишонамиз.

Ғулом Каримий заҳмат чекиб таржима қилган ва нашр этган "Мунта-хаб ут-таворихи Муиний" китоби ўзбек шарқшунослик илмини бойита-диган самоқли асар бўлиб қолади.